



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 4-sentyabr, payshanba, 35 (563)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

### ПАРЛАМЕНТДА

#### Электорат тижоратни электрон тарзда юритади

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мустақам қонунчилик базаси яратилди. Натيجанда замонавий телекоммуникация инфратузилмаси вужудга келиб, давлат ва жамият курилиши, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, кичик бизнесга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Хусусан, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат тизимлари O'zLiDeP электорати фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Энг асосийси, интернетнинг миллий сегменти шаклланди. Дарҳақиқат, электрон тижорат глобал ахборот тармоғининг узвий бўлигидир. Шу маънода ҳам тараққиётнинг ҳозирги босқичида интернет имкониятларидан унумли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки у кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда вақт ҳамда маблағни тежаш учун қулай шарт-шароит яратди. Зеро, жаҳон тажрибасида ҳам анъанавий савдо усуллари билан бир қаторда электрон тижорат кенг қўлланилмоқда. Таҳлилий ўрганишлар натижасига кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 10 фоизи интернет орқали харидларни амалга ошираётгани ва бу кўрсаткич йил сайин ўсишда давом этаётганини кузатиш мумкин.



#### Изчил ва мутаносиб ҳаракатлар самараси

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантаналардаги табригида атрофлича баён этилган фикрлар, ҳар томонлама чуқур таҳлилларга асосланган мулоҳазалар, ташқи ва ички сиёсатнинг мазмун-моҳиятини акс эттирган пурмаъно гаплар, иқтисодиётни янада юксалтириш, тинчлик-осойишталик ва маънавий қадриятларни кўз қорачигидек асраш, айниқса, буюк келажак вояслари бўлмиш ёшларга қаратилаётган катта эътиборни яққол намоён этган самимий сўзлар бугун барча юртдошларимиз қатори O'zLiDeP фаоллари, парламентдаги фракцияси аъзолари ва партия электорати вакиллари билан дилида ва тилида акс-садо бермоқда.

#### Табрикдаги мантиқий хулосалар биз учун дастуриламалдир

Ҳозир қай бир соҳа ва тизимда фаолият юритаётган ватандошларимиз билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бугунги кундан рози экани, мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган катта ишончи ижобий ўзгариши ва янгиланишларга замин бўлаётганини таъкидламоқдалар

Бундай омилларга юртдошларимиз алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки дунёнинг турли ҳудудларида юз бераётган табиий офатлар, очарчилик, қашшоқлик, муайян манфаатлар тўғрисида авжга чиқаётган низолар оддий одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт деган неъматга ташна қилиб қўймоқда.

Эътибор беринг: бугунга келиб таҳлилчилар етарли озиқ-овқат етиштириш учун унумдор ери, суви бўлган давлатлар дунё тақдирини ҳал этишини таъкидлай бошладилар. Ана шундай муносабатларга гувоҳ бўларканмиз, бундан 23 йил аввал Ўртабшомимиз томонидан ишлаб чиқилган ва айна пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътибор билан ўрганилаётган «ўзбек модели»

қанчалар ўзини оқлаганига ишонч ҳосил қилаямиз.

Президентимиз табригида асосий эътибор кечаги кун билан бугунги реал ҳаётни қиёслашга, эртаминг эгалари бўлган янги авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун янада қулай шароитлар яратиш масаласига қаратилганини кўриш мумкин.

#### Янги уйлардаги ҳовли тўйлари

Самарқанд вилояти қишлоқларидаги 620 та хонадон эгалари Мустақиллик байрамиш намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган янги уйларда ҳовли тўйлари билан бирга нишонлапти. Хусусан, Жомбой туманидаги «Зарафшон» маҳалласида жорий йилда қурилган эликдан ортиқ уйнинг қалитлари эгаларига топширилди. Янги хонадон соҳибларидан бири Орифжон Эргашев кўни-қўшнилари, яқинларини ҳовли тўйига чорлади. Туман ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари, қурувчилар ҳам аяла шу тadbirkorлар яратиш масаласига қаратилганини кўриш мумкин.

«Соғлом бола йил» ва Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги ҳаётимизда ўчмас из қолдирилган бўлиди, — дейди у. — Жамоавий уй-жойдаги қулайлик ва шароитдан, айниқса, турмуш ўрғоним жуда хурсанд. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидаги хабар беришича, 2009 йилдан буён мазкур туманда 265 та уй-жой бунёд этилган бўлса, жорий йилда тўқсонга хонадон ўз эгаларига топширилди. Ушбу ҳудудларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари ҳам барпо этилмоқда.

#### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган. Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

- Пумипон Адулядет Рама IX — Таиланд Қироли
- Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний — Қатар Давлати Амири
- Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний — Қатар Давлати Бош вазири, Ички ишлар вазири
- Теин Сейн — Мьянма Игтифоқи Республикаси Президенти
- Алассан Уаттара — Кот д'Ивуар Республикаси Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда.

#### БОЗОРЛАР — ФАРОВОН ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Серқуёш диёримизда етиштирилган ноз-неъматлар билан тўлиб-тошган файзли бозорларимизда харидор учун яратилган қулай шарт-шароитлар нафақат юртимиз аҳли, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда

#### XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

Бирон бир юрт маданияти, у ерда яшовчи халқлар турмуш тарзи ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлишни истаган сайёҳлар, одатда мазкур мамлакат бозорига тушадилар. Зеро, Шарқда — шаҳарнинг энг гавжум жойига айланган бозорлар ўзида мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Бинобарин, турфа озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар билан «безатилган» бозорларни томоша қилишнинг ҳам ўзига яраша гаши бор. Таъми оғизда қоладиган сервус шафтолилару, ялтиратиб қўйилган олма ва ноклар «олиб кет мени», деб «ялинади». Қутиларга бежирим қилиб жойланган, «бадани»даги шабнамни сақлаб қолган кишимиз узумлари бугун эртабозилар билан танишаётган бўлса, бошқалар байрам муносабати билан ташкил этилган анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаларига йўл олган.

— Бозорларимизда бу йил ҳар қачонгидан-да мева-сабзавот сероб, баҳоси ҳам арзон, — дейди Учтепа туманида яшовчи Файзулла Холмуҳамедов. — Яратганга шукрки, олтинга тенг тулпроғига экилган ҳар қандай кўчат яхши парваришланса, кўп ўтмай албатта мўл ҳосил берадиган жаннатмакон ертда турилганмиз. Далалару боғларимизда бирин-кетин пишиб олиётган маҳсулотлар билан халқимиз дастурхонини тўлдирётган, талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда экспорт қилишни мақсад қилган фермер ва тadbirkorларимиз мамлакатимиз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиб, бир қатор имконият ва имтиёزلарга эга бўлмоқдалар.

#### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 3 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	2188.62
1 Англия фунт стерлинги	3899.82
1 Дания кронаси	414.20
1 БАА дирҳами	640.32
1 АҚШ доллари	2351.84
1 Миср фунти	328.93
1 Исландия кронаси	20.06
1 Канада доллари	2159.04
1 Хитой юани	382.77
1 Россия рубли	63.06
1 Украина гривнаси	179.34
1 Малайзия ринггити	742.96
1 Польша злотийси	734.06
1 СДР	3570.99
1 Туркия лираси	1088.21
1 Швейцария франки	2556.07
1 ЕВРО	3112.24
10 Жанубий Корея вони	23.16
10 Япония иенаси	224.37

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

#### Қиёсий далилларга асосланган мулоҳазалар

Айни пайтда Жиззах вилояти аҳолисининг 379058 нафарини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш ва бизнеснинг турли йўналишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари қатори O'zLiDePнинг ҳам устувор вазифалари сирасига қиради. Партия вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолиятини ана шу мезон асосида таҳлил қилиб кўрамиз.

**ИСЛОҲОТ**  
Бекмаматни Парижга қақришди



**ЖАРАЁН**  
Мутасаддилар депутатларга ҳисоб берди



**КҮЙИ БЎҒИНЛАРДА**  
БПТ йиғилиши қандай бўлиши керак?



**БУЊЁДҚОРЛИК**  
Истиқлол туфайли яралган мўъжиза



# МУНОСАБАТ

## Табрикдаги мантиқий хулосалар биз учун дастуриламалдир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мустиқиллик берган имкониятлар, ана шу даврдаги бекиёс ўзгариш ва янгилашлар ҳақида сўз борганда, иқтисодчи олимларимизнинг Ўзбекистонда 2005 йилдан бери давлат бюджети профити билан бажарилаётгани ҳақидаги далиллари ёдга тушади. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиёти 10 йилдан бери барқарор ва мутаносиб ривожланаётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимиздаги барқарорлик ва мутаносиблик хусусида сўз кетганда эса Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати бўлган ўрта синф вакиллари учун яратилган қулай шароит ушбу қатлам вакиллари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланганлигини таъкидлашни истардим. Айниқса, дунёда озиқ-овқат саноатини изчил ривожлантириш муаммолари жуда жиддий муҳокама этилаётган бир пайтда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли тадбирлар амалга оширилиши, фермерлик ҳаракатининг бу қадар қўллаб-қувватлаши бекиёс натижалар учун муштақкам замин яратди.

Иқтисодиётда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, аграр соҳадаги самарали ислохотлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, ҳатто чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, галла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка — 3,1 марта, сабзавот — 3,2 баробар, узум — 2 марта, гўшт ва сут — 2,1 карра, тухум — 3,4 баробар ошди.

Шунга яраша сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Мустиқиллик йилларида гўшт истеъмоли 1,4 марта, сут — 1,3 баробар, сабзавот ва поллиз маҳсулотлари — 2,6 марта, картошка — 2 баробар, мевалар истеъмоли — 6,4 карра ошди. Ваҳоланки, эски тузум ҳукмронлик қилган охириги кунларда юртимизда атиги бир ҳафта-ўн кунга етadиган ун захираси қолгани, деярли очарчилик ёқасида турганимиз ҳеч қачон ёддан чиқмайди.

Бугун эса Ўзбекистон нафақат ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаётган, балки дунё бозорларига рақобатдош маҳсулотлари билан изчил кириб бормоқда.

О'зЛиДеР ва Фермерлар кенгаши ҳудудий тузилмалари, партия депутатлик гуруҳлари томонидан турли ташкилот ва идораларга сўровлар юбориш, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш ва депутатлик гуруҳлари эшитувларини ташкил этишда аграр соҳа тараққиёти билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилаётган. Бу борада Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотлари томонидан самарали ишлар олиб борилди.

Шунингдек, партия ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент ва Янгийўл туманларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни икки баробарга ошириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, дунёнинг қайсидир мамлакатда қашшоқлик ҳукм сураётгани, кимдир урушлар туфайли ўз фарзандидан, яқинларидан айрилаётганини инобатга олсак, чиндан ҳам она-юртимиздаги тинчлик, фаровонликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмастайлиги ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, мустиқиллик Ватанимизда қарор топган тинчлик-осойишталикнинг дастлабки омили эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Юртбошимиз табригидаги ҳаётий ҳақиқатни янги авлод вакиллариغا етказиш, ёшларни истиқлол руҳида тарбиялаш, энг аввало, сиёсий партиялар зиммасидаги вазифа, албатта. Шунинг учун ҳам О'зЛиДеР фаоллари мазкур табрикдаги мантиқий хулосаларни ўзлари учун дастуриламал сифатида кўриб, ундан аҳоли кенг қатламлари, жумладан, ёшлар билан ишлашда самарали фойдаланиш лозим, деб ҳисобламолдлар.

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**  
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси,  
Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси.

## Изчил ва мутаносиб ҳаракатлар самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



**Тўрабек НАЗАРОВ,**  
О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раиси, тадбиркор:

— Улкан мақсадлар сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг истиқлол йўлига назар ташласак, барча соҳаларда асрларга татигулик ютуқлар қўлга киритилганига амин бўламиз. Биргина мисол: **иқтисодиёти-мизнинг кейинги 10 йилда узлуksиз камида 8 фоизга ўсиб келаётгани «Ўзбек модели»нинг нақадар самарадорлигини дарак бериб турибди.** Эътиборли томони шундаки, бундай юқори даражада ўсишга мана, етти йилдан бери, ҳақонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз

шароитида эришилмоқда. Бу ютуқлар эса фақат хом ашё сотиб, бир ёқлама ривожланиш ташласак, барча соҳаларда асрларга татигулик ютуқлар қўлга киритилганига амин бўламиз. Биргина мисол: **иқтисодиёти-мизнинг кейинги 10 йилда узлуksиз камида 8 фоизга ўсиб келаётгани «Ўзбек модели»нинг нақадар самарадорлигини дарак бериб турибди.** Эътиборли томони шундаки, бундай юқори даражада ўсишга мана, етти йилдан бери, ҳақонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз

Юртбошимизнинг энг улуг, энг азиз байрамимиздаги чиқинди диққат билан тинглар эканман, ким сиёсатда оқил, кимнинг ислохот аталмиш локмотиви тўғри йўлда кетаётганини қалбимнинг туб-тубидан ўтказдим. Чунки бугунги кунда ҳақон жамоатчилигини

ўйлантираётган муҳим масалалардан бири халқаро молиявий-иқтисодий инқироз эканлигини оммавий ахборот воситалари орқали яхши биламиз. Зеро, бу муаммо ривожланган давлатларни ҳам, йирик компаниялар, катта-катта корпорацияларни ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди. Миллионлаб одамлар ишсиз қолди. Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини инқироздан иложи борица таллафотсиз олиб чиқиш чораларини кўрапти. Бу жараён турли мамлакатлардаги турфа одамлар, мансабдор мусулманларнинг сабр-бардошини жиддий синовдан ўтказиш билан бирга, уларнинг фаолиятига ҳолис баҳо бермоқда.

Ҳеч қайси муаммо 5-ўзидан пайдо бўлмайди ва пишиқ режа, пухта тадориксиз ечим ҳам топмайди. Етти ўлчаб, бир кес, деган ҳикमत бежиз айтил-

маган. Ўзбекистон аввал бошдан мавжуд вазиятни бировларнинг қаричи билан ўлчамади, ўзгаларнинг етовига юрмади, кўр-кўрона эргашмади. Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечди. Қанчалик оғир бўлмасин, азму шижоат ва чиддам билан босқичма-босқич олға интилди. Ҳақон молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатлари юртимизда нисбатан энгил ўтаётгани ана шу оқилликнинг, узокни кўра билулишининг амалдаги намоёни эмасми?

Мен яқинда чет эллик ҳамкорларимиздан бири билан айнаи шу мавзуда суҳбатлашиб қолдим. Биласизми, у **Ўзбекистон мустиқил тараккиятининг энг оғир даври, яъни истиқлолнинг дастлабки йилларида шунчалик ютуқ-**

**ларга эришган бўлса, масалан, дон мустиқиллик қўлга киритилган, автомобилсозлик йўлга қўйилганини таъкидлар экан. Ҳеч муболага-сиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз келажақда ундандан улкан марраларни забт этиши ва албатта, энг ривожланган давлатлар каторидан муносиб ўрин олишини алоҳида эътироф этди.** Чиндан ҳам, ҳозирги марраларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бунинг замирида машаққатли меҳнат, сабр-бардош, жасорат ва матонат ётибди. Халқ манфаати, Ўзбекистон манфаати ҳар нарсадан устун, деган эзгу интилишнинг маҳсули турибди. Ана шу тотли мевага бугун бошқалар ҳавас билан қарапти. Шунинг ўзи ҳам мустиқилликнинг нечоғли буюк нёъмат эканлигидан далолатдир.



**Барно АБДУЛЛАЕВА,**  
Олий Мажлис Конуңчилиқ палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Бугун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашган бир пайтда бизнинг бозорларимиздаги тўқинлик, ҳақондаги йирик банкларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашган вақтда юртимизда фаолият кўрсатаётган молия муассасаларига нуфузли рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» рейтингни берилиши, оламга машҳур компаниялар ишчилар сонини кескин қисқартиришга мажбур бўлаётганида Ўзбекистонда тегишли

дастурлар шарофати билан қўллаб янги иш ўринлари очилаётгани ҳам мустиқиллик йилларида эришилган ютуқларнинг бир қисми, ҳолис.

Бу борада мулоҳаза юриштириш рақамларини сўзлата оладиган мутахассисларга ҳавола этган ҳолда, мазкур мезоннинг иккинчи жиҳати — кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, эркин бозор муносабатларининг босқичма-босқич жорий этилиши маънавият ва маърифат, халқимизнинг ас-

рий кадриятлари, аъналарига уйғун ва муштараклиги узокни кўзлаб юритилаётган сиёсатнинг таянч нуқталаридан бири экани хусусида сўз очмоқчимиз. Зеро, бугун биз тез суъратлар билан ўзгараётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқланадиган шиддатли ва мураккаб, бир сўз билан айтганда, глобаллашув замонида яшаймиз. Бундай шароитда эса маънавий мезонларнинг нақадар долзарб аҳамият касб этишини исботлаб ўтиришга ҳолат бўлмас керак.

Дарҳақиқат, **Ўзбекистон истиқлол йилларида маънавий юксалиш соҳасида катта марраларга эришди. Бунинг билан рақамларда ифода-лаш мушкул, албатта. Лекин чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу-**

**гунги муваффақиятлар замирида фидойи халқимизнинг ўзлигини англагани муҳимлигини кўришимиз мумкин. Ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, мусика ва санъат йўналишидаги нуфузли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юқори ўринларга сазовор бўлаётгани ҳам маънавиятга эътиборнинг навиқлиги авлод вакилларида ўз кучи ва имкониятларига ишонч шаклланишининг яққол намоёнидир.**

Яна бир муҳим жиҳат бугунги ёшларимизнинг мустиқил фикрга, букилмайдиган иродага эга эканлиги билан боғлиқ, десак муболага қилмаймиз. Яъни, **фарзандларимизни энди бузғунчи қақирлар, эски тузумни қўмсаб, уни тўр-**

**ли кўринишларга қайта тиклашга қаратилган пўч гоялар билан авраб бўлмастайлиги** мустиқиллик даврида амалга оширилган ўзгаро мутаносиб ва изчил саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси, деб биламан.

Ана шундай дамларда собиқ иттифоқ даврида «ўзбек ёшлари ҳеч нарсага қодир эмас, уларнинг қўлидан бирон иш келмайди» қабилидаги гаплар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек урчигани ёдимизга тушади. Минг шукрки, жоначон Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда эришган ютуқлари, жумладан, ёшларимиз қўлга киритган улкан зафарлар бунинг аксини кўрсатиб турибди. Буларнинг барига мустиқилликдек улуг нёъмат, халқини озодликнинг ойдин йўлига бошлаб чиққан инсон сабаб.



**Қахрамон ЭРГАШЕВ,**  
Олий Мажлис Конуңчилиқ палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятнинг танаси бўлса, маънавият ва маърифат, сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи ва жонидир. Ҳар қандай жамиятнинг ҳал қилувчи кучи, суянчани ва таянч бўлган ёшлар бу ҳақиқатни тобора теран англаб бораётгани кувонарли, албатта. Бунинг неча йиллар олдин мўмай пул топши илинжида ўзини ҳар қўйга солган, шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган баъзи кимсалар эртагига учиб, олис юртларга кетган ва алданган, эндиликда эса пухта ўйланмаган, гўрлик оқибатидаги ҳаракат-

ларидан қатъий хулоса чиқарган айрим ёшларимиз психологиясидаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун нафақат навқирон авлод, балки ўрта ва катта ёшдаги тадбиркор ушбилармонлар ҳам нуқул фойда кетидан қувши, ҳамма нарсага пул топши нуктаи назардан ёндашиш ўзи ва яқинларини руҳан қашшоқ қилиб қўйиши мумкинлигини яхшироқ тушуномқдалар. Чунки одамлар руҳан қашшоқ бўлиб қолган жамият охири-оқибат таназзулга юз тутади.

**Маънавият ва иқтисод бир-бирдан қувват олиб,**

**ўзаро таъсир натижасида ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустиқилликнинг илк кўнларидан бошлаб иқтисодий ислохотлар ва уларнинг маънавий мезонини белгилашда қатъий мутаносибликка амал қилиб келинмоқда. Жумладан, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-бўйруқбозлардан бугунги воз кечиб, эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга киришилганидаёқ халқимизнинг хоши-ироадаси, асрий орзу-интилишларига, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди.** Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўзига хос ҳаёт тарзими, миллий аънава ва кадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва кайфияти ҳисобга олиниши лозим-

лиги давлат раҳбари томонидан асослаб, белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтиш ва халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз, уларнинг замирида муҳим бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш каби бошқалар ҳавас қилса арзийдиган ибратли кадриятлар муҳим аҳамият касб этди. Чунки ҳар қандай иқтисоднинг пировард натижаси унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришлар ҳаёт фаровонлигини оширишга қўрсатовдиган амалий таъсири билан ўлчангани исбот талаб қилмайди деган ҳақиқатдир.

Масалала шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлса, бугун бугун дунёда «ўзбек модели» сифатида тан олинган Ўзбеки-

стоннинг ўзига хос тараққиёт йўли асрлар синовидан ўтган, юксак маънавий мезон аталмиш муштақкам пойдеворга қурилган, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам янгилаш жараёнларининг моҳиятида ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг қарови ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад муҳим эканини ва бу мутаносибликнинг амалий ифодасини изоҳлаш барча соҳаларда кўриш-кузатиш мумкин.

Игирмига уч йиллик катта байрам тантаналарида давлатимиз раҳбари ана шу улкан жараённинг бутун мазмун-моҳиятини қисқа жумлаларда очиб берди. Партия фаоллари, хусусан, биз — депутатларнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз эса табриқда айтилган масалаларнинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка таъсирчан тарзда етказишдан иборат.

## Электротар тижоратни электрон тарзда юритади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



**Нуриддин МУРОТОВ,**  
Олий Мажлис Конуңчилиқ палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Умуман олганда, замонавий ахборот технологияларининг ҳаётимизга татбиқ этилаётгани барча соҳалар қатори ишбилармонларга ҳам қўллаб имкониятларни туҳфа этмоқда. Хусусан, масофадан туриб ҳисоб рақамларини бошқариш бўйича «Мри», «Click», «Uyali», «Pul», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг», «SMS-банкнинг» каби хизматлар кўрсатилаётган. Бундан ташқари, республикамизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари томонидан 10 млн.дан зиёд пластик карта муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 2,5 миллионини онлайн-карталар ташкил этади. Айтмоқчиманки, онлайн-картага эга бўлган шахс маблагни юк-лаш учун банкка бориши шарт эмас. Мазкур карта орқали коммунал тўловларни телефон орқали ҳам тўлаш мумкинлиги аҳолига қўшимча қулайликлар яратиб бермоқда.

Бугунги кунда 100 дан зиёд сарвк майдончаси ва 700 дан ортиқ брокерлик идораси тўртта сарвк платформасида мижозлар

учун электрон биржа савдоларини йўлга қўйган. Табиийки, бундай қулай савдолар интернет орқали реал вақт режимида олиб борилаётган. Утган йил яқунларида кўра, мазкур тизим орқали 61,8 млрд. сўмлик савдолар амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз.

Бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида электрон тижоратни ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини тайёрлаш лозимлиги белгилаб берган эдилар.

Ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси ҳукумат томонидан Олий Мажлис Конуңчилиқ палатасига

киритилди. Қонун лойиҳаси бўларди кун талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда қўшимча шароитлар, шу жумладан, халқаро стандартларга жавоб берадиган технология бозор инфраструктурасини яратиш, тадбиркорлик субъектларига электрон кўринишда бизнес юритиш, товар етказиб берувчи-ли ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш, ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматларни ҳақон бозорга олиб чиқиш учун самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга қаратилган.

Мақсад битта. У ҳам бўлса, электрон тижорат иштирокчиларини ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукамал механизмларини яратиш ва «электрон тижорат», «электрон тижорат иштирокчиларини», «тўлов агентлари», «электрон тасдиқлаш», «электрон ҳақон таъминлаш» каби тушунчаларга аниқ таъриф беришдан иборатдир. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси орқали электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг мажбуриятларини белгилаб бериш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан битимлар тузиш жараёнини содда-

лаштириш учун электрон битимларнинг расмийлаштиришни осонлаштириш имконини берувчи бир марталиқ идентификаторлардан ва бошқа имзолардан фойдаланишга руҳсат этиш кўзда тутилмоқда.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахрирдаги лойиҳаси парламентга келиб тушган, кўмитамизда ишчи гуруҳи тузилиб, энг аввало, ривожланган давлатларнинг бу борадаги меъёрий ҳужжатлари тақидий жиҳатдан ўрганилди. Амалдаги қонуннинг камчилиги ва нуқсонларини янада тўлароқ таъсир кўриш мақсадида унинг ижроси ҳудудлар кесимида назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилди.

О'зЛиДеР фракцияси ташаббуси билан жойларда ташкил этилган давра суҳбатларида эса партияимиз электротарига янги қулайликлар яратиб берадиган йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши кўзда тутилган мазкур қонун лойиҳаси соҳа экспертлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, қўллаб-қувватлаш жамланди. Энг муҳими, ана шу фикр-мулоҳазалар фракцияимизнинг ушбу қонун лойиҳаси юзасидан аниқ позициясини шакллантиришда фой-

даланилмоқда.

Партияимиз фракциясининг нуктаи назаридан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, «Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг бошқа муносиватини амалга ошириш тартиби тўғрисида», «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Низомилар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари ва битимларни ҳисобга қўйиш» тартибининг чуқур таҳлил этган ҳолда «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг тақомиллаштирилиши тадбиркорларнинг юқори иқтисодий натижаларга эришишига, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имконият яратиб беришини таъкидламоқчимиз. Зеро, О'зЛиДеР дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилганини инобатга оладиган бўлса, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши партияимиз электротарининг тижоратни электрон тарзда юритиш билан боғлиқ имкониятларини янада кенгайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлади.

## Жиззахнинг куёш коллекторлари

«Жиззах» маҳсул индустрияси зонасида йирик саноат объекти — «Куёш иссиқлик энергияси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, Хитойнинг «Xangzou Dzongyu Elektronik Meters Ko LTD» компанияси, пунингдек, «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ва «Электрон ҳисоблаш» МЧЖ таъсисчиларида ташкил этилган қўшма корхона томонидан йилга 15 минг тона куёш коллектори ишлаб чиқарилади. Бундай коллекторлар олдий куёш батареяларидан фарқли равишда электр энергия ишлаб чиқаришдан ташқари, турар-жой ва бинолар иситиш тизими учун зарур бўлган сув ҳароратини кўтариш имкониятига эга. Мазкур геотермосуналар озиқ-овқат ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қатор қулайликлар яратиб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

## Хиросимадаги ғалабани соғиндик

Бугун «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича Ўзбекистон ва Иордания терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки: айни пайтга Жанубий Кореянинг Игичон шаҳрида ташкил этилган Осиё ўйинларига қизгин тайёрларлик кўраётган Миржалол Қосимов шоғирларни яна тўрт кундан сўнг, яъни 8 сентябрда навбатдаги ўртоқлик учрашуви доирасида Япни Зеландия терма жамоасини қарш қилади. Иорданияликларга қўшиб ўтказилган учрашувини ҳамюртимиз Шерзод Қосимов бошқарса, Ўзбекистон-Япни Зеландия ўйинига таниқди рефери Равшан Эрматов ҳамалик қилади.

Шу ўринда жорий йилнинг 14 сентябрь-3 октябрь кунлари бўлиб ўтadиган XVII Осиё ўйинларининг тўрқ босқичида футболчиларимиз Гонконг, Бангладеш ва Афғонистон вакиллари билан беллашишини айтиб ўтиш лозим.

Мухлисларнинг ёлида бўлса керак: бундан рошпа-росса йигирма йил аввал футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Хиросимада бўлиб ўтган XII Осиё ўйинлари голдблгинини қўлга киритганди. Ишқибозлар ана шу ғалабани жуда соғингани айни ҳақиқатдир.

Ўз муҳбиримиз.

# ИСЛОҲОТ

## Қиёсий далилларга асосланган мулоҳазалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Шухрат РАҲИМОВ,**  
«XXI asr»

Бизга тақдим этилган маълумотларга қўра, шу даврда мазкур бўлим томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури, партиянинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жами 30 та тадбир ўтказилган. Давра суҳбати, амалий учрашув ва очик мулоқотлар, турли кўрик-танлов ва ўқув-семинарлари шаклидаги ушбу тадбирларга 4632 нафар фаол ёш жалб этилган.

ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланганлардан атиги 3 нафарига тижорат банкларидан 12 млн. 400 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 2012 йилда 5 нафар битирувчига 29 млн. 925 минг сўм, 2013 йилда эса 59 нафар битирувчига 246 млн. 360 минг сўмлик микрокредитлар ажратилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Тадбиркорликка интилган ёшлар ишончини қозонаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг жорий йилда тадбирларида олий ва



стипендия, 6 нафарига рағбатлантирувчи мукофот берилганини инобатга олсак, кўрик-танловнинг нақадар қизгин баҳсларга бой бўлгани ойдинлашади. Кези келганда, яна бир рақамни алоҳида келтириш жоизки, O'zLiDePнинг ана шу икки лойиҳасида фаол қатнашган ёшларнинг 2 мингга яқини ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Уларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун партия тавсияси асосида молия муассасаларидан жами 1 млрд. 920 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Партиянинг обрўси ва унга электрланган ишончи ортиб бораётганини сайловлар арасида турганимиз учунгина айтиётганимиз йўқ. Зеро, қуйидаги далиллар ҳам мулоҳазаларимиз исботлайди.

Жиззахда айтилган 7664 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан қарийб 3 мингтадан O'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ўтказилган кўрик-танловнинг натижаларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Дейлик, 2011 йилги танловда академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларининг 255 нафари иштирок этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 330, 2013 йилда 340, жорий йилда эса 490 нафарни ташкил қилди. Шулардан фақат 3 нафарига

истиқболли лойиҳаларни жорий этишга интилар экан, ўз сафини иқтидорли ёшлар ҳисобидан кенгайтириб боришга жиддий эътибор қаратмоқда. Буни виллоятдаги 9105 нафар аъзонинг 5467 нафарини ёшлар ташкил этаётгани ҳам кўриш мумкин. Шундан 1821 нафари тадбиркорлар, 1365 нафари фермерлардан иборатлиги, мавжуд 472 та БПТнинг 193 тасига 30 ёшга бўлганлар етакчилиги қилаётгани ҳам бежиз эмас.

O'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» ҳамда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаларида иштирок этган ёшлар имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар, — дейди ўтган йили Жиззах шаҳридаги транспорт, алоқа касб-хунар коллежини ташкил қилган муваффақ бўлганларнинг бири Шайхон Назар Ғамамов. — Мен ҳам бу йил партиянинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида «Иссиқхона фаолиятини ташкил қилиш» бўйича ишлаб чиқилган бизнес-режа билан қатнашиб, «Асакабанк»дан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатни қўлга киритдим. Натижани 9 млн. 600 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесимни очдим. Иссиқхонада помидор, лимон ва мандарин етиштириш учун тенгдошларимдан 2 нафарини ишга олдим.

— Мен «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳасида «Кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш» бўйича ту-

зилган бизнес-режа билан қатнашдим, — дейди Дўстлик тиббиёт коллежи битирувчиси Шаҳзод Саломов. — Ўқув-семинарда бизнесни банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари, кредитларни расмийлаштириш, суғурталаш жараёнлари, солиқ имтиёзлари ҳақида маълумотлар олдим. Энг муҳими, унинг ақлида «Агробанк»нинг сертификати эвазига 10 млн. сўм кредит олиб, қондиртер маҳсулотлари тайёрлайдиган маҳсул ускуна ва печлар харид қилдим.

— 2012 йилда O'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» лойиҳасида тикувчилик йўналиши бўйича тайёрланган ишларим билан қатнашиб, стипендия совриндори бўлдим, — дейди Зомин тиббиёт коллежини тамомлаган Зарнигор Махсудова. — Мазкур лойиҳа менинг бизнес йўлидаги қизиқишларимни янада оширди. Мамлакатимизда биз, ёшларга берилаётган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда берилган имкониятлардан фойдаланиб, оилавий корхона ташкил этдим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Жиззахда тадбиркор ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бунда O'zLiDePнинг истиқболли лойиҳалари муҳим аҳамият касб этаётди. Юқорида санаб ўтган далилларимиз юзлаб мисолларнинг айримлари, холос.

### Бекмаматни Парижга чақаришди

Урғун шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Darital Shoes» масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг октябр ойида «Business Initiative Directions» халқаро ташкилоти томонидан дунёнинг йирик ишлаб чиқарувчи корхоналари ўрасида Парижда ўтказилган танловда иштирок этишга танлов бўлди.

— Жорий йил бошида мазкур танлов ташкилотчилигида унда қатнашиш истаги билдирилган мурожаатнома ҳамда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиздан намуналар жўнатган эдик, — дейди МЧЖ директори Бекмамат Бобоқонов. — Бир неча кун олдин, яъни энг улуғ, энг азиз байрамимиз арасида эса маҳсулотимиз сифати учун берилган мукофотни олиш учун Францияга боришимиз зарурлиги баён этилган тақдирнома олишди. Нуфузли халқаро ташкилот томонидан маҳсулотимизга юқори баҳо берилгани бизни беҳад қувонтирди.

«Darital Shoes» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот — эркаклар, болалар ва спорт пойабзаллари айтиш кунда нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топтоқда. Масалан, ўтган йили Москвадаги «Зебра» савдо компанияси мактаб ўқувчилари пойабзалларининг катта партиясини сотиб олган бўлса, айтиш кунда Санкт-Петербургдаги «Скорехолд» пойабзал компанияси билан болалар учун тўқимачилик материалдан оёқ кийим ишлаб чиқариш бўйича музокара олиб боришмоқда.

Ш.ХУҲАЕВ.

### «Биринчи кўнғироқ» шуқуҳи

Куни кеча юртимизнинг барча мактабларида биринчи кўнғироқ чалиниб, «Билимлар кўни» катта тантана билан нишонланди. Айтиш кунда биринчи синфга борган 587 минг ўқувчига 12 номлаги ўқув кўрсаткичларидан иборат Президент совғаси топширилди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактаби ҳам шу кунни эрта тонгда саришта кийинган, қўлларидан гулдаста билан мактаб кучоғига отланган 1150 нафар ўқувчиси байрамона қарши олди. Халқ таълими вазирлиги етакчи мутахассиси Мирзохўб Ибрагимов, мактаб директори Гулнора Латипова уларни янги йили билан қутлашди. Ваганимиз, жонажон мактаб ва ёруғ келажак ҳақидаги шеър ва кўшиқлар «Биринчи кўнғироқ»га ўзгача файз улашди.

Мусурмон РҶЗИЕВ.

## БОЗОРЛАР — ФАРОВОН ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Сир эмас, собиқ иттифоқ давридаги бозорларни савдо муассасаси ёки жамоат жойи дейишга тил бормасди. Сотувчилар ҳам, оловчилар ҳам иссиқ кунда жазирамадан, совуқ тушганда эса ёгин-сочиндан қўлбола усуллар ёрдамида сақланишга мажбур бўларди. Расталар орасидаги тор йўлқалар ёзда тўроқ билан, қишда эса лой билан тўлиб қоларди. Қировли қунларда қордан тозаланган ерлар ях-малакка айланиб, одамларнинг бемалол юришига имкон бермасди. Бозор атрофи ўралмагани сабабли у қаерда бошланиб, қаерда тугаганини билиш қийин эди. Тез бузиладиган маҳсулотлар талабга жавоб бермайдиган жойларда сотиларди.

Бугун бозорларимиз бутунлай бошқача қиёфага кирган. Хаммаёқ саранжом-саришта. Сотувчилар усти ёпиқ павильонлар остидаги расталар, турғун шохобчалар ва махсус мажмуларда савдо қилишапти. Бозорлар атрофи эса ям-яшил дарахтлар билан қуршалган...

Дарҳақиқат, илгари шароит йўқлиги сабабли бозорлардаги сотувчилар маҳсулотларини ерга қўйиб сотишга мажбур бўлардилар. Асосан, патта тарқатиш билан банд бўлган маъмуриятнинг бунга қарашга «вақти бўлмасди». Хўш, энди-чи? Эндиликда қайси бозорга борманг, унинг атрофи ўралми, ободонлаштирилганини, улкан том остидаги расталар ва ёп-ёруғ йўлқалар хавас қилса арзиғулик тарзда озода қилиб қўйилганини қўрасиз. Хўл ва қуруқ мева, сабзавот, нон, гўшт, сўт ҳамда балиқ маҳсулотлари савдосини амалга ошириш учун махсус жойлар ажратилган. Йўлқалар четдаги кўм-кўк майса, бир чиқиқ қилиб экилган арчалару оқланган бошқа манзарали ва мевали дарахтларни қўриб, беихтиёр кайфиятингиз кўтарилади.

Маълумотларга қўра, айтиш кунда пойтахтимизнинг ўзидан, яъни «Ташбозорсавдо» уюшмаси тизимида 12 та деҳқон (озик-овқат) бозори, биттадан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улгуржи ва ихтисослашган бозорлари, шунингдек, 6 та савдо комплекси фаолият юритаётган бўлиб, 20 та йирик бозорга 60 шохобча бириктирилган. Жами 140 гектардан зиёд худудни эгаллаган ана шу бозорларда 22978 та савдо жойи мавжуд. Солиштириш учун 1996 йилда шаҳардаги 12 та бозор ва уларнинг 50 та шохобчаси худудидан жами 11 558 та савдо жойи бўлганини айтиб ўтиш мумкин.

Уюшма бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Ф.Нуралиевнинг таъкидлашича, муस्ताқиллик йилларида Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бозорлар худудидан қўллаб қамраган йирик ихтисослашган савдо мажмуалари қурилди. Жумладан, «Авиасозлар деҳқон бозори»да озиқ-овқат ҳамда гўшт маҳсулотлари савдосига ихтисослашган мажмуа ташкил этилган бўлса, «Олоғ деҳқон бозори»да балиқ, гўшт ва тайёр кийимлар, «Чорсу буюм бозори»да миллий либослар сотиладиган йирик бўлинмалар ишга туширилди. Музлаткичи ойнаванд ускуналар билан жиҳозланган гўшт павильонлари «Юнусобод», «Бешёғоч», «Фарход», «Қўйлик», «Миробод» деҳқон бозорлари ҳам очилди. «Эски Жўва деҳқон бозори»да айниқса чет эллик сайёҳларга маъқул келадиган «Миллий таомлар» мажмуаси барпо этилганини айтиб ўтиш лозим.

— Мен қўллаб мамлакатларда бўлганман. Қайси давлатга бормай, ўша ернинг бозорини айланишни одат қилганман, — дейди голландиялик Ева Виетсма хоним. — Узбекистонда етиштириладиган мева-сабзавотлар ва полиз экинлари дунёнинг қўллаб мамлакатларида севиб истеъмол қилинади, жуда қадрланади. Очиғи, бу ердаги бозорларда ана шундай сифати юқори маҳсулотлар савдоси учун яратилган шароитларни кўриб, хурсанд бўлдим. Дарвоқе, юртингизда тайёрланган нонни илк бор истеъмол қилганимдаёқ, унинг лаззати таъми, хушбўй ҳиди мени лол қолдирганди. Кейин билсам, мамлакатингизнинг барча худудларида ўзига хос нон маҳсулотлари ва миллий таомлар тайёрланар экан.


— Маълумки, бозорлар илгаридан шаҳарнинг нафақат маҳсулотлар сотувини амалга ошириш, балки аҳолига хизмат кўрсатиш ва ахборот тарқатиш маркази вазифасини ҳам адо этган. Айнан шунини ҳисобга олган ҳолда кейинги вақтда савдо муассасалари ва уларнинг атрофида бозор инфратузилмасини шакллантиришга эътибор қаратилди. Шу тарихда бозорга тушган харидор уйига рўзгор қилишдан ташқари, бошқа ишларини ҳам битириб кетиш имкониятига эга бўлмоқда. — дейди Ф.Нуралиев. — Сўзим исботи сифатида шаҳардаги бозорлар худудидан 36 та сартарошхона, 20 га яқин фотосалон, жами 260 ўринга мўлжалланган кичик меҳмонхона, 290 та пойфазал тузатиш устанонаси, шунингдек, мини-банклар, дорихоналар, матбуот дўконлари, радио тармоқлар ҳамда салкам тўрт минг ўринли автотўхташ жойи фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтиш мумкин. Бозорлардаги санитар-гигиеник ҳолатни меъриёда сақлаб туриш учун уларнинг худудига 6 та 20 тонналик, 56 та бир тонналик чиқинди йиғиш контейнери, шунингдек, 2500 дан ортиқ кичик қути (урналар) олиб келиб қўйилган. Байрам арасида ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари давомида бозорлар ва савдо комплекслари худудидан ирригация тармоқлари тозаланиб, 5000 дона манзарали ва мевали дарахт ҳамда 50 минг дона гул қўчат экилди.

Ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархлари асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2011 йилдан бозорлар тарихида «Элга хизмат» корхоналари ташкил этилганини айтиб ўтиш лозим. Эътиборлиси, ана шу корхоналарга тегишли савдо жойларига назорат касаллари ва тўловларини пластик қарточкалар орқали амалга ошириш имконини берадиган терминаллар ўрнатилган. Маълум бўлишича, 2014 йилнинг биринчи ярми мубайнида «Элга хизмат» корхоналари томонидан қарийб 1500 тонна картошка, 1000 тонна пибё, 450 тоннадан зиёд сабзи, 270 тонна қарам, салкам 100 тонна гўшт, 665 минг дона туҳум ва бошқа маҳсулотлар келтирилиб, арзонлаштирилган нархларда сотилган. Тўловларнинг қарийб 75 фоизи эса пластик қарточкалар орқали амалга оширилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда фермерлару томорқачилари томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш, шу тарихда эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдириб учун барча шароит яратилган. Витаминларга бой мева-сабзавотлар, қовун-тарвузларнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмас керак. Бу эса юртимизда халқ фаровонлиги ва аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани ҳамда «Ким эдигу ким бўлдиқ?» деган саволга аниқ жавоб олиш имконияти тугилаётганидан далолатдир.

Шухрат ХҲҲАЕВ,  
Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

### Жиззах вилоятида партия аъзоларининг кейинги йиллардаги ўсиш суръати



O'zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитовнинг таъкидлашича, навқирон авлодни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишда партиянинг ёшларга оид лойиҳалари муҳим ўрин эгалламоқда. Хўш, мазкур лойиҳаларнинг амалий самараси қандай бўлаёпти? Бу саволга кейинги йиллардаги рақамларни қиёслаш орқали жавоб топиш мумкин.

Мисол учун, тобора нуфузи ошиб бораётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг 2011 йилдаги виллоят босқичи доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда фақатгина шаҳардаги касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртинининг 32 нафар битирувчиси қатнашган бўлса, 2012 йилда унинг қамрови туманлар кесимида кенгайиб, иштирокчилар сони 603 нафарга етди. Мазкур кўрсаткич 2014 йилга келиб 860 нафардан ошди, яъни аввалгиларга нисбатан 1,5 баравар кўпайди.

Ижобий ўсиш-ўзгаришларни лойиҳа якунидаги сармоялар миқдоридан ҳам кўрса бўлади. Хусусан, 2011 йилги лойиҳада қатнашиб, имтиёзли кредит олиш

ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг 860 нафар талабаси қатнашди. Уларнинг орасидан энг муносиб деб топилган 80 нафар бизнес-режа эгасига партия билан бевосита ҳамкорлик қилаётган тижорат банклари томонидан 728 млн. 300 минг сўмлик имтиёзли кредит олишга йўналтирилган сертификатлар берилган ва шунинг ҳисобига 200 га яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган эди. Самара шу бўлдики, бугунга қадар уларнинг 22 нафари жами 139 млн. 600 минг сўм микрокредит олиб, ўз бизнесини бошлаши баробарида 35 та янги иш ўрни яратилди.

Юқоридаги сингари изчил ўсиб боришга асосланган таққос ва таҳлиллар O'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ўтказилган кўрик-танловнинг натижаларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Дейлик, 2011 йилги танловда академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларининг 255 нафари иштирок этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 330, 2013 йилда 340, жорий йилда эса 490 нафарни ташкил қилди. Шулардан фақат 3 нафарига

## Сайхунободдаги шодиёналар

**Йигирма уч йил — тарих учун жуда қисқа муддат. Бирок ана шу даврда мамлакатимизда амалга оширилган ўзгаришлар асрларга татийди, десак хато қилмаймиз. Чиндан ҳам бугун тенглар ичра тенг эканлигимиз бизнинг энг катта бахтимиздир. Зеро мустақиллик шарофати билан ана шундай саодатли кунларга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратмоқдамиз**

Дилора ЭСОНОВА

Барча жойда бўлганидек, Сайхунобод туманида ҳам ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ахиллик, бунёдкорона меҳнат эришилаётган янгида-янги ютуқлар мисолида яққол намоён бўлиб турибди. Жумладан, галла тайёрлаш режаси ошиғи билан бажарилди. Ғўза парваршиши оби-тобида олиб борилмоқда. Маданий-маиший соҳадаги ишлар, янги ўй-жойлар, коллеж ва мактаблар, жаҳон андозаларига мос спорт иншоотларини айтмаймиш! Уларнинг ҳар бири ўз мезморий ечимини, кўркам ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, ғўзал Узбекистоним!» шiori остида ўтган тадбир ҳам сайхунободликлар кўнглига алоҳида қувонч бағишлади. Истиқлол йилларида халқ ҳўжалигининг турли жаҳаларида эришилган ютуқлар саҳна кўринишлари орқали намойиш этилди. Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов туман аҳлини истиқлолнинг 23 йиллиги билан қутлар экан, sanoat, курилиш, қишлоқ ҳўжалиги, маданий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлади. — Бугун ёшларнинг қалби фахр-ифтихор туйғуларини билан лиммо-лим, — дейди O'zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Зиёда

Очилова. — Барча эрк ва озодлик байрамини зўр қувонч билан тантана қилмоқда. Улар орасида электротизимиз вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Зотан, халқимиз истиқлолга осонликча эришгани йўқ. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек асраш, юрт ва миллат манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова, танқили хонандалар Фарход Саидов, Зиёда Қобулованинг чиқаришлари даврага алоҳида файз бағишлади, куйлар куйларга, рақслар рақсларга уланди. Виллоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам худуд шундай байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

# ЖАРАЁН

## Партиявий масъулият кучайтирилиши зарур

**O'zLiDeP** Бухоро туман кенгаши ва халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг навбатдаги қўшма йиғилишида айнан шундай хулосага келинди

Асхор ИСТАМОВ

Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Бухоро туманида ҳам Истиклолнинг 23 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олинди. Ушбу жараёнда 1121 нафар аъзони бирлаштирган 48 та БПТ, O'zLiDeP туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, жойларда ўтказилган 20 дан ортиқ тадбирда 2000 нафардан зиёд иштирокчи O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформаси бўйича аниқ тушунчага эга. 250 нафардан ортиқ фаол юртдошимиз партия сафига қабул қилинди.

— Бунда O'zLiDePдан сайланган депутатларнинг ҳам муносиб хиссаси бор, — деди йиғилишда ушбу гуруҳ раҳбари, O'zLiDeP туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Улмас Раҳматов. — Кейинги 5 йилда маҳаллий кенгашга сайланган 17 нафар депутат номидан турли масалалар бўйича мутасадди раҳбарларга 93 та сўров юборилди. Жойларда сайловчилар билан мингдан ортиқ учрашув ўтказилиб, электорат вакилларида тушган 740 дан зиёд муносабатнинг 78 фоизи ижобий ҳал этилди. Шунингдек, халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари кун тартибига ечимини кутаётган қатор масалалар бўйича тегишли тақлифлар киритилиб, мавжуд муаммоларнинг амалий ҳал этилишига эришилапти. Айниқса, Раҳмат Иноят, Астам Улугов, Ҳатир Бобононов, Бахтиёр Ибдуллаев каби депутатларимиз партиявий тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

**“ Бироқ, мажлис қатнашчилари таъкидлаганидек, туманда қатор муаммолар мавжудлигидан, уларни ҳал этишга ҳар доим ҳам жиддий ёндашилмаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда камчиликлар ҳам оз эмас. Жойлардаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини назорат этиш кўнгилдагидай эмас. Худудда гўш ва сут, мева маҳсулотлари қайта ишлаш даражасини кўтаришда мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмапти. ”**

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтказилган қўшма йиғилишда худуддаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда партия туман кенгаши, депутатлик гуруҳи ва жойлардаги БПТлар ҳам бевосита дахлдор ва масъул эканликлари алоҳида қайд этилди. Партия сафларини янада жипслаштириш ва кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларидида O'zLiDePнинг қўйи бўғинлари ишини янада жонлантириш, мафкуравий ишлар тизими фаолиятини қайта кўриб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Булажақ сайловларга тайёргарлик палласида бу айниқса муҳимдир.

Йиғилишда туман ҳокими Ҳамроқул Равшанов, «Карвон» пахта тозалаш заводи директори Иброҳим Тўқлиев, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ва бошқалар сўз олиб, партиявий-ташқиллий, тарғибот-ташвиқот ишларини янада яхшилаш, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, амалий тақлифларини билдирдилар.

Тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Насимжон Алимов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайлов барча сиёсий партиялар, жумладан, O'zLiDeP учун катта синов эканлигини алоҳида таъкидлаб, ушбу жараёнга жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигига алоҳида ургу берди.

## Пухта таралду

«Боёв» пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти хом ашё қабул қилиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрди. Тайёргарлик ишлари яуз нафардан зиёд чилангар, пайвандчи, токар, оператор ва электрик сингари мутахассислар жалб этилди. Жамиятнинг худудлардаги қабул масканларида пахтани ортиш-туширишда фойдаланиладиган техника воситалари тўлиқ таъмирланди. Айни пайтда тош-тарозилар, пахтани ғарамлаш майдончаларини созлаш ишлари ҳам поёнига стқазилди. Йиғим-терим даврида ҳашарчиларни сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида корхона қошидаги сизими 90 тонналик совуқхона-омборга мева-сабзавотларни жамғариш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Камол аҳли аро, албатта, тоғай иззату олий,  
Ҳар қайси касбида ҳар кимсаким қилди хунар  
ихлос».

ОҒАҲИЙ.

# Мутасаддилар депутатларга ҳисоб берди

**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий банкнинг вилоятдаги мутасаддилари ҳисоботлари эшитилди**

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr»

Таъкидланганидек, мазкур қарорга асосан, худудда қиймати 2,097 млрд. долларлик 555 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 13305 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, 2013 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида қиймати 513,6 млн. долларлик 352 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 5746 кишининг бандлиги таъминланган.

— Худудий инвестиция дастурига кўра, 29 та лойиҳага 52,6 млн. долларлик сармоя жалб этилиши режалаштирилган, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Баҳодир Жамолов. — Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Хитой, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Польша, Россия, Беларуссия, Эстония давлатларидан киритилди. Дастур тўлиқ амалга оширилса, ип-калава, трикотаж матоси, пайпоқ, қурилиш материаллари, хусусан, сувли эмульсия, болт ва гайкалар, оҳак, керамик кафел, шунингдек, шербат, нектар, мураббо, гўшт ва сут, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш икки бара-варга кўпайиб, сифати яхшиланади. Вилоятда йилига 75 млрд. сўмлик саноат ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, 15 млн. долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилади.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, дастур бўйича шу кунга қадар энгил саноат ва ноозиқ-овқат йўналишида 4,4 млн. доллар инвестиция киритилиб, 35 та лойиҳа амалга оширилди ҳамда 688 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, Косон туманидаги «Бунёдкор» МЧЖда 1 млн. 250 минг АҚШ долларлик инвестиция эвазига йилига 2 минг тонна ва Яқкабоғ туманидаги «Яқкабоғ Хумо текс» МЧЖда 162,5 млн. сўм инвестиция эвазига йилига 300 тон-

## «Сардоба текстил» экспортга чиқди

Оқолтин туманидаги «Сардоба текстил» қўшма корхонасига 50 миллион сўмлик тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш баробарида 10 та янги иш ўрни яратиш имконини берди. Мазкур корхона ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, сифатидаги устунилик сабаб эл эътиборига тушди. Энг асосийси, корхона маҳсулотлари экспортга чиқарила бошланди. Қарийб 150 миллион сўмлик маблаг ҳисобига ташкил этилган корхонада битта тўқувчилик ва учта тикувчилик цехи мавжуд. Уларда олти хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонада меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд оқолтинликнинг қарийб ярми касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлардир. — Қисқа вақт ичида мен ва тендошларим замонавий дастгоҳларда тўқини ва тикиш сирларини эгаллаб олдик, — дейди Оқолтин иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси Руҳсона Эсиргапова. — Қишлоғимизда ишга туширилган ушбу корхонада танланган касбим бўйича ишлаганман хурсандман. Дилора ЭСОНОВА.

на калава-ип ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш мақсадида ўтган даврда 7,8 млн. доллар инвестиция жалб этилиб, 53 та лойиҳа амалга оширилди ва 490 та янги иш ўрни яратилди.

— Лойиҳаларнинг ўз муддатида ишга туширилиши натижасида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 783 тага етказилди, — дейди халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдуллажон Норматов. — Жумладан, ўтган давр мобайнида Шаҳрисабз туманидаги «Хисорак-гидроқурилиш» корхонасида 2,2 млрд. сўм инвестиция эвазига 12 млн. дона пишқик гишт, «Яқкабоғ нурли келажак сари» МЧЖда 545 млн. сўм инвестиция эвазига 60 минг куб метр норуда ма-

**“ А.Норматовнинг таъкидлашича, депутатлик гуруҳи асосий эътиборни ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва вакилларининг қонунлар ҳамда давлат дастурлари ижросига оид эшитувлари ташкил этиш, партия дастурларидаги вазифаларни бажаришда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим масалаларни вилоят кенгаши сессияларига олиб чиққан ҳолда муҳокама қилишга қаратмоқда. ”**

териал, Муборак туманидаги «Капитал қурилиш моллари» МЧЖда 210 млн. сўм инвестиция эвазига йилига 12 минг кв.м пронастил, «Китоб саноат қурилиш» МЧЖда 300 млн. сўм инвестиция эвазига 250 минг куб метр ва «Китоб мрамор заводи» МЧЖда 160 млн. сўм инвестиция эвазига 3 минг тонна микрокальцит ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Ўз навбатида, Президентимизнинг «Ирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чи-

қариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги саноат корхоналарида хотин-қизларни қасаначилик орқали иш билан таъминлаш мониторинг қилиниб, натижалар доимий комиссия йиғилишларида таҳлил этиб борилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

— Дунёнинг қарийб 20 та давлатида ваколатхонамиз бор, — дейди Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси



бошлиғи Саъдулла Бобоқулов. — Вилоят тадбиркорларининг чет эллик ҳамкорлари билан алоқалари мустаҳкамланиб, халқаро ярмарка ва кооперацион биржаларда фаол иштироки таъминланаётгани боис хориждан илҳам ускуна ва минитехнологиялар келтирилмоқда. Мисол учун, Қашқадарё туманидаги «Иссиқнон» хусусий фирмасига 363 минг АҚШ доллари миқдоридидаги шоколад ишлаб чиқариш линияси, «Истиклол» фермер хўжалигига эса 135 минг АҚШ доллари мева шарбати ишлаб чиқариш заводи ва 118 минг АҚШ доллари 500 тонна мева-сабзавот сақлайдиган музлатгичлар олиб келишда амалий ёрдам бердик. Яна 9 та лойиҳа бўйича шартнома тузиш ишлари якунланмоқда.

А.Норматовнинг таъкидлашича, депутатлик гуруҳи асосий эътиборни ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва вакилларининг қонунлар ҳамда давлат дастурлари ижросига оид эшитувлари ташкил этиш, партия дастурларидаги вазифаларни бажариш-

да электорат манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим масалаларни вилоят кенгаши сессияларига олиб чиққан ҳолда муҳокама қилишга қаратмоқда.

— Ижро ҳокимияти органларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларнинг бажарилиши, марказ ва жойларда қўнунчилик талабларига риоя қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишга ҳаракат қилаётганимиз, — дейди А.Норматов. — Зеро, мамлакатни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги ислохотлар муваффақияти депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ, десак адашмаймиз.

Йиғилиш сўнида дастурга киритилган ҳар бир корхонага O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари бириктирилиб, мавжуд муаммо ва тақлифлар бўйича мониторинг қилиб бориш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

## «Маслаҳат марказлари» ёрдамга шай

**Ислохотларни жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўйиш O'zLiDePнинг устувор мақсадларидан биридир. Партия Кармана туман кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси бўлими ҳамкорлигида Варқ Маҳалласида ташкил этилган «Маслаҳат маркази»нинг дастлабки йиғинида шу хусусда сўз юритилди**

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI asr»

— Маҳалламизда 3884 киши истикомат қилади. Кейинги йилларда барча шарт-шароит ва инфратузилма объектларига эга бўлган 170 та замонавий турар-жой барпо этилдики, бу шубҳасиз, қишлоқ аҳолисига кўрсатилмаётган эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир, — дейди МФЙ котибаси Санобар Ганиева. — Айниқса, янги маҳалла гузарининг ишга туширилиши айни муддао бўлди.

Эндиликда дунёда ўхшашли йўқ маҳалла институтининг фаолиятини кенгайтириш, фуқароларда тадбиркорлик кунималарини шакллантириш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этаяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, «Варқ» худудида 5 та фермер хўжалиғи, нитрон тола ва макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар, 9 та савдо ва сервис хизмати кўрсатиш

шоҳобчаси фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг 53 фоизини хотин-қизлар, 56 фоиздан кўпрогини эса ёшлар ташкил этади. Улар ўртасида бандлик даражасини ошириш диққат марказида турган асосий масалалардан биридир.

— Туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда МФЙ қошида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи «Маслаҳат марказлари» ташкил этилаётганлиги эътиборга моликдир. Бу эса «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда партиянинг дастури ижросини таъминлаш ислохотларини чуқурлаштириш, худудда яшовчи омма ўртасида бандлик даражасини оширишга хизмат қилади, — дейди O'zLiDeP туман кенгаши раиси Камол Йўлдошев. — Иил охиригача «Қалдирғоч», «Фарҳод» маҳаллалари ва «Нарпай» қишлоқ

фуқаролар йиғини қошида ҳам ана шундай марказларни ташкил этиш режалаштирилган. Мақсад O'zLiDePнинг хусусий мулк ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга рағбатлантиришга оид лойиҳаларни мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Марказ очилишига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев сўзга чиқиб, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижроси билан боғлиқ вазифаларга тўхталди. Тадбир давомида ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, мулкдорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган партиявий лойиҳалар хусусида атрофлича маълумот берилди.

— Юртимиз кун сайин та-

раққийтга юз тутмоқдаки, бундан биз — қишлоқ мулкдорлари беҳад мамнунмиз, — дейди «Кармана Зафар Барака» фермер хўжалиғи раҳбарлари химоя қилиш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга рағбатлантиришга оид лойиҳаларни мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишдан иборат. Марказ очилишига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев сўзга чиқиб, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижроси билан боғлиқ вазифаларга тўхталди. Тадбир давомида ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, мулкдорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган партиявий лойиҳалар хусусида атрофлича маълумот берилди.

— Юртимиз кун сайин та-

## Худудлар тараққиёти фаоллигимизга боғлиқ

Яқинда O'zLiDeP Бекobod туман кенгаши ва фаол БПТлар ташаббуси билан Пушкин МФЙда давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалиётдаги натижалари, жумладан, давлат маъмурий идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимлик бошқаруви тизимининг айрим ваколатлари бевосита маҳалла фуқаролар йиғинларига берилгани маҳалла институтини нуфузини янада ошириши баробарида аҳоли кенг қатламларининг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлаётгани хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Партия туман кенгаши масъуллари, БПТ раислари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этган мулоқот якунида Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишга O'zLiDeP электорати — тадбиркор ва фермерларни кўпроқ жалб этиш учун қўйи бўғинлар томонидан олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Б.ИСРОИЛОВ.



# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 4-sentyabr, payshanba, 35 (563)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## БПТ йиғилиши қандай бўлиши керак?

О'zLiDeP уставида биноан бошлангич партия ташкилотининг йиғилиши зарурат бўлган пайтларда, аммо камида ҳар чоракда бир мартаба ўтказилиши белгиланган

Бехзод ИСРОИЛОВ,  
«XXI asr»

Тахлилларга кўра, айни кунларда БПТ йиғилишларида асосий эътибор яқинлашган сайлов кампаниясига тайёргарлик, шунингдек, партия кўйи тузилмаси иш юритаётган корхона ёки ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга тааллуқли турли масалаларга қаратилаётган. Бу — яхши, албатта. Лекин айрим таянч бўғинлар майда-чуйда, аҳамиятсиз «масалаларга ўралашиб қолаётганликлари, гоҳо на амалий, на назарий жиҳатдан наф келтирмайдиган мавзулар кун тартибига қўйилаётганлиги ҳам бор гап. Ана шу каби БПТларда мажлислар номига ўтказилаётганлиги, мазкур муҳим тадбирга эътиборсизлик қилинаётганлигини ҳам олишимиз керак. Бундай камчиликлар партия худудий ва маҳаллий кенгашлари мажлисларида кўп бора танқид қилинган бегиз эмас. Ҳўш, БПТ йиғилиши қандай бўлиши лозим?

БПТ йиғилишини ўтказишдан мақсад — берилган ваколатлар ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда партия электорати, яъни тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, партия фаолияти билан боғлиқ ҳамда худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига кўмаклашиш бўйича партия аъзоларининг атрофида маслаҳатлашиб олиши ва кун тартибидagi масалаларни ҳал этишга йўналти-

рилган чоралар ишлаб чиқилган иборат.

Бунда, фикримизча, қуйидагиларга диққат қаратиш зарур. Қўйлаётган натижага эришиш учун, биринчидан, йиғилишга пухта тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Муҳокамага олиб чиқилаётган масалалар бўйича батафсил ва аниқ маълумотлар тўплаш, маърузачини белгилаш ва маъруза матнини тайёрлаш, қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, партия аъзоларини йиғилиш вақти, жойи ва кўриладиган масалалар тўғрисида огоҳлантириш шулар жумласидандир.

Иккинчидан, муҳокамаларга партия аъзолари учун долзарб бўлган ҳамда бевосита ёки билвосита уларнинг манфаатларини ифодаловчи масалалар қўйилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ёндашув йиғилишда партия аъзоларининг фаол иштирокини, аниқ қарорлар қабул қилинишини, шу билан бирга йиғилишнинг қизғинлиги, самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Учинчидан, БПТ фаолият юритаётган корхона ёки ташкилот раҳбарининг партиятга бўлган муносабати, унга нисбатан ишончи, яъни, партиянинг имконият ва салоҳиятидан нечоғли хабардорлиги кўп жиҳатдан БПТ фаолияти, хусусан, партия аъзоларининг мажлислари самарадорлигига кучли таъсир қилади. Чунки аниқ раҳбар ўз корхонасининг муаммоларини бошқаларга нисбатан яхшироқ билди ва уларнинг бартараф этилишидан ҳам кўпроқ манфаатдор. Қолаверса, партия



Солмак ЗОИР олган сурат

таянч нуқтаси фаолиятини ташкиллаштириш масалаларида раҳбарнинг фикри партия аъзолари учун ҳам ўзига яраша салмоққа эга бўлиши табиий. Шу ўринда БПТ жойлашган корхона ёки ундан ташқарида йўзага келган айрим муаммолар, чунончи, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига оид нуқсонлар, хусусий сектор вакиллари дуч келган тўсиқлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг қониқарсизлиги сингари масалалар ҳал қилиниши юзасидан бошлангич ташкилот раҳбарига қилинган мурожаат партия

аъзоларининг режалаштирилмаган, навбатдан ташқарида йиғилиши ўтказилишига сабаб бўлиши мумкинлигини қайд этиш керак. Таъкидлаш жоизки, БПТ йиғилишида туман, шаҳар, вилоят ёки республика миқёсда хал қилинадиган масалалар кўтарилган тақдирда мажлис баённомаси тегишли чоралар кўриш учун партиянинг маҳаллий кенгашига тақдим этилиши лозим. Бунда баённомага муаммоларнинг батафсил мазмун-моҳияти ҳамда билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар илова этилиши мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида юқори турувчи партия

органи қуйи бўғин ташаббуси билан кўтарилган масалалар борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида БПТ етакчисини хабардор қилиши лозим. Шундангина аъзоларнинг партия ташкилотига бўлган ишончи мустаҳкамлашиши ва улар партия ишида онгли ва фаол қатнашиши тўғрисида сўз юритиш мумкин. Мухтасар айтганда, БПТ йиғилишининг сифати ва самарадорлиги ҳар томонлама пухта ўйланиб қабул қилинган, муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қарорлар қай даражада тўлиқ бажарилиши билан ўлчаниши мумкин.

**«...ЎЗБЕКИСТОННИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРИШ, АВВАЛАМБОР, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТИНИ МУНОСИБ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ ВА ХАЛҚАРО ОБРЎСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ШУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН ЮРТИМИЗДА ОСУДАЛИК ВА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШДАН БУГУНГИ КУНДА БИЗНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА КИМ ЭНГ КЎП МАНФААТДОР ДЕБ СЎРАСА, МЕН, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР АҲЛИ, ДЕГАН БЎЛАРДИМ».**

Ислон КАРИМОВ

### Қишлоқни обод қилувчи куч

Партия Мингбулоқ туман кенгаши таркибидagi БПТлар ҳам мустақиллик айёмига бағишланган тадбирларни ўтказишда давом этаётган. Чунончи, «Соҳибқирон» фермер ҳўжалигидаги 18 аъзони бирлаштирган қуйи бўғин ташаббуси билан «Фермерлик ҳаракати: таърихий тараққий йўлида» мавзусида мулоқот ташкил қилинди.

Партия туман кенгаши масъуллари, депутатлар, қуйи ташкилотлар раислари, қишлоқ мулкдорлари иштирок этган тадбирда мустақиллик туғайли яратилган улкан имкониятлар ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини янада ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

— Маълумки, истиқлол йилларида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга йўналтирилган, қишлоқ мулкдорларининг қонуний манфаатларига хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш қўлдан қабул қилинди, — дейди БПТ етакчиси Солижон Ҳўжамов. — Натижада ер эгалари қишлоққа илгор кучга, яъни, худуд инфратузилмасини янада такомиллаштирувчи, янги-янги иш ўринлари яратувчи, қисқаси, қишлоқни обод қилувчи кишиларга айланганлар. Бинобарин, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, улар фаолиятга халақит бераётган айрим тўсиқларнинг бартараф этилишига кўмаклашиш бутунги кунда партия қуйи тузилмаларининг устувор вазифаларидан биридир. А.МУСУРМОНОВ.

### ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

*«Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим».*  
Абу Али ибн Сино.

### Кеча ва бугун

Бугунги кунда Пайариқ туманида 1200 дан зиёд аъзони жишлалаштирилган 71 та О'zLiDeP бошлангич ташкилотли фаолият юритяпти. Эътиборлиси, туманда партиямиз сафига ўттиш истганини билдирувчилар тобора кўпаяпти. Бу эса аксарият қуйи бўғинлар зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндашаётганликларидан далолат. Хусусан, яқинда «Зирабулоқ тонги» фермер ҳўжалигидаги БПТ ва партия маҳаллий кенгаши ҳамкорлигида «Фермерлик — Истиқлол неъматини» деб номланган давра сўҳбати ташкил этилди. — Собиқ шўролар тузуми одамларни ҳар қандай шаклдаги эгаллик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ўз даврида фақат давлат ва колхоз-кооператив мулкидан бошқа мулк шаклини бекор қилганди, — деди тадбирда фермер ҳўжалиги раҳбари, БПТ етакчиси Норжигит Жуланов. — Мустақиллик йилларида Юртобшимиз раҳнамолитидаги оқилона сиёсат туғайли фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Эндилкида замин соҳиблари қишлоқ аҳолиси турмуши фаровонлигини таъминловчи мустақам таянчга айлибди, ташкилотлар жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Партиямиз эса мулкдорлар қатламини изчил қўллаб-қувватлаш учун сиёсий майдонга чиққан ва мазкур дастурий мақсадлар тўла рўёбга чиқиши ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқдир. М.РАВШАНОВА.

### «Умид ишонч»да навбатдаги мулоқот

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўрин эгаллади. Хусусий сектор аҳоли фаровонлиги ўсишининг асосий манбаига айланди. Бу эса биз барпо этаётган жамиятнинг моҳиятини равшан кўрсатиб бериб. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, ўрта синф ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси саналади. О'zLiDePнинг муҳим дастурий вазифаларидан бири эса бирлаштирувчи сиёсий куч сифатида мулкдорларнинг янада самаралироқ ишлаши учун янги имкониятлар яратиш, жамиятнинг уйғу қатламини изчил ҳимоя қилишдир. Термин шариҳдаги «Умид ишонч» ўқув марказида иш юритаётган БПТ ташаббуси билан ўтказилган «Тадбиркорлик — фаровонлик манбаи» номли давра сўҳбатида партия шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Г.Бобокўлова, қуйи бўғин етакчиси А.Адинаев томонидан ана шундай фикрлар айтилди. Таъкидлаш керакки, БПТ фаоллари Д.Ярамова, Н.Азизова ташкилот ишини янада такомиллаштириш бўйича ноанъанавий ғоя ва тақлифларни ўртага ташладилар.

Дилрабо РАҲМОНОВА,  
О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими.

### ЭЪЛОН

#### Қорақалпоғистон Республикаси «Туран Ким-зўят саудаси» МЧЖнинг Чимбой тумани филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 27 августдаги 113-П-сонли буйруғи ва Чимбой тумани ҳокимининг 2014 йил 12 августдаги 366-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидаги 181 (бир юз саксон бир) та ер участкаси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

1. «Қорақўл» МПЖ худуди, П.Сейтов кўчаси, 22-қаватлидан №1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 ер участкалари.
  2. «Қорақўл» МПЖ худуди, 20-қаватлидан №25,26,27,28,29,30 ер участкалари.
  3. «Қорақўл» МПЖ худуди, 23-қаватлидан №1,2,3,4,5,6,7,8 ер участкалари.
  4. «Тағара» АПЖ, Абат овул худуди, 1-қаватлидан №7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 ер участкалари.
  5. «Тағара» АПЖ, Абат овул худуди, 2-қаватлидан №5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 ер участкалари.
  6. «Тағара» АПЖ, Абат овул худуди, 3-қаватлидан №3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 ер участкалари.
  7. «Дўстилик» МПЖ худудидан №3,4 ер участкалари.
  8. «Тағара» АПЖ, Урмон ҳўжалиги массиви, 1-қаватлидан №1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34 ер участкалари.
  9. «Тағара» АПЖ, Урмон ҳўжалиги массиви, 2-қаватлидан №1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34 ер участкалари.
  10. «Тағара» АПЖ, Урмон ҳўжалиги массиви, 3-қаватлидан №1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34 ер участкалари.
  11. «Қокчи-қалъа» МПЖ худудидан №2,3,4,5 ер участкалари.
- Уйшуб ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошлангич баҳоси 46 900 сўм.
- Аукцион савдоси 2014 йил 6 октябрь кун соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Дўстилик кўчаси, 9-й, 38-сонли мактабнинг мажлислар залида ўтказилади. Бюртномаларни қабул қилиш 2014 йил 3 октябрь кун соат 18.00 да тўхтаилади. Мазкур ер участкалари 2014 йил 6 октябрь кун ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер участкаларининг такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 6 ноябрь ва 6 декабрь кунлари соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Дўстилик кўчаси, 9-й, 38-сонли мактабнинг мажлислар залида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.
- Такрорий савдо биринчи бўйича бюртномаларни қабул қилиш 2014 йил 5 ноябрь, ва 5 декабрь кунлари соат 18.00 да тўхтаилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчи ҳисоб рақамига истифода қилинган мажбурий ва мажбурий-қонсалитинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,2 бўлиги миқдорда қўшимча тўловлар тўлашдан ташқари зақалат қилишнинг асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бошлангич баҳосининг 100 фоиз миқдорда зақалат пулини «Туран Ким-Зўят Саудаси» МЧЖ Чимбой тумани филиали «Туран банк» Нукус шаҳар филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504792701001, МФО 00585, СТИР 301273292.
- Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (Иккитри) кун муддат ичиди олдин-содин шартномасини имзолаш шартлари юқулилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчи ҳисоб рақамига истифода қилинган мажбурий ва мажбурий-қонсалитинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,2 бўлиги миқдорда қўшимча тўловлар тўлашдан ташқари зақалат қилишнинг асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бошлангич баҳосининг 100 фоиз миқдорда зақалат пулини «Туран Ким-Зўят Саудаси» МЧЖ Чимбой тумани филиали «Туран банк» Нукус шаҳар филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504792701001, МФО 00585, СТИР 301273292.
- Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (Иккитри) кун муддат ичиди олдин-содин шартномасини имзолаш шартлари юқулилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчи ҳисоб рақамига истифода қилинган мажбурий ва мажбурий-қонсалитинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,2 бўлиги миқдорда қўшимча тўловлар тўлашдан ташқари зақалат қилишнинг асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бошлангич баҳосининг 100 фоиз миқдорда зақалат пулини «Туран Ким-Зўят Саудаси» МЧЖ Чимбой тумани филиали «Туран банк» Нукус шаҳар филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504792701001, МФО 00585, СТИР 301273292.
- Узбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусخаси;  
— ҳорижий юридик шахслар — уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишининг тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва устави билан белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;  
— ҳорижий фуқаролар — чет давлатнинг маърифий ёки дипломатик паспорти;  
— Узбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномасининг нусхаси;  
— зақалат пулини тўлаганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Бюртномалар қабул қилинадиган манзил:  
Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, Ю.Исмаилов кўчаси, 61-уй.  
Телефон: (8-361) 222-00-84. Расмий сайти: Turankz.kr.uz. Лицензия: 0041.

### РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

2014 йил 1 июль ҳолатига О'zLiDeP бошлангич ташкилотларининг соҳалар бўйича тақсимланиши қуйидагича кўриниш касб этади:  
жами БПТларнинг 48,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари, хизмат кўрсатишга ихтисослашган тузилмалар ва йирик саноат корхоналарида фаолият юритмоқда. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида — 8,6, банкарда — 5,7, ННТларда — 3,8, партия худудий ва маҳаллий кенгашларида — 2,1 ҳамда бошқа тармоқлардаги тузилмаларда уларнинг 31,6 фоизи иш олиб борапти.

### ЭЪЛОН

#### Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар! «GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ объектнинг бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига тақлиф этади!

Бухоро давлат университетига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдосида қўйилмоқда:

1. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/713LAA бўлган «Damas» русумли автотранспорт воситаси — бошлангич баҳоси — 3700 000 сўм.
  2. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/715LAA бўлган «Nexia» русумли автотранспорт воситаси — бошлангич баҳоси — 4200 000 сўм.
- Аукцион савдоси 2014 йил 7 октябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Юқоридаги мулклар 2014 йил 7 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 14,21 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтаилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган зақалат қилишнинг асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «Халқ банк» Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
- Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.  
«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43.  
Хизматлар лицензияланган.

# «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

**Дунёда она муҳаббатичалик муқаддас ва беғараз туйғу бўлмайди: ҳар қандай садоқат, ҳар қандай муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос бу муҳаббат олдидан ё оғиз, ё таъмагир экани билиниб қолади.**

Солих ЗОИР олган сурат.



## Фарзандингизга қандай пойабзал танладингиз?

Дугонам тўрт ёшли қизчасининг тез-тез чарчаб қолишдан шикоят қилиб қолди. Айтишчи, кўп юрганда, тик турганда оёғи толиб, ерга ўтириб олар экан. Шифокор текширувидан сўнг яссиоёқ экани аён бўлибди

Жуда болажон халқмиз. Фарзандимиз тугилиб, вояга етгунча атрофида парвона бўламиз. Соғлом, ақлли, сарвқомат бўлиб вояга етишини истаимиз. Чиройли кийим-бош, бежирим пойабзаллар харид қиламиз. Аммо олиб бераётган кийим-кечакларимиз, шу жумладан, қимматбаҳо бошмоқчалар уларнинг жисмоний ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкинлигига ҳаммамиз ҳам эътибор беравермаймиз.

Дугонам муаммоси, қолаверса, журналистик қизиқишим устун келиб, яссиоёқликнинг келиб чиқишида оёқ кийимининг нечоғли аҳамиятга эга экани билан қизиқиб, мутахассисга мурожаат этдим.

— Бола организмнинг интенсив ўсиш даврида (3-6 ойлик, 1,3 ва 5 ёшлик) суяклар тизими ва шаклининг дифференцияси юз беради, — деди республика Травматология ва ортопедия институтини бошқарувчи, олий тоифали шифокор Рустам Шаропов. — Эндигина мустақил юришни бошлаётган болаларда яссиоёқлик юзага келиш эҳтимоли кучли бўлади. Чунки айна шу ёшда аксарият болалар мувозанатни ушлаш ва таянч майдонини ошириш мақсадида кенг қадам ташлаб, товонини ички томонга босиб юришади. Айримлар яссиоёқликни

нормал физиологик ҳолат ва уни даволаш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Аммо мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки 5-6 ёшгача бўлган болаларнинг ҳали суякланиш нуқтаси бит-масдан туриб, оёқ-панжа деформацияларининг олдини олиш ёки юзага келган нуқсонни бартараф этиб, тўғри қадам босишини шакллантириш анча осон кечади.

Ўрни келганда, пойабзалнинг нотўғри танланиши ҳам яссиоёқликни юзага келтиришини таъкидлаш лозим. Одатда, техник меъёрларга кўра, болалар пойабзалида яссиоёқликка қарши тагликлар қўйилади. Аммо бу қоидага ҳамма ҳам риоя этавермайди.

Бугунги кунда республика-мизда яссиоёқликка аниқ ташхис қўйишда замонавий усуллардан кенг фойдаланилапти. Бу борада, айниқса, компьютер подометрия диагностикаси алоҳида аҳамият касб этаётди. Мазкур усулда касаллик юқори аниқликда ўрганилиб, даволашда яхши натижаларга эришилапти.

Аксар ҳолларда пойабзаллар суний чарм ва резинадан тайёрланади. Бундай маҳсулотлар эса саломатликка зиён етказиши мумкин. Бошқача айтганда, оёқни терлатиб, замбуруғ касалликларининг пайдо бўлишига олиб келади.

— Ҳозирги кунда мамлака-



тимизда 75 та маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, шундан 34 таси бевосита пойабзал тайёрлаш билан шуғулланади, — дейди «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси директори ўринбосари Шарифжон Шералиев. — Тошкент шаҳрида «Нафис», Бухорода «Эркатой-болажон» маъсуляти чекланган жамиятларида болалар учун ортопедик пойабзаллар тайёрланмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида 101 та ҳудудий лойиҳа амалга оши-

риллапти. Биргина «Болалар пойабзалини ишлаб чиқариш лойиҳаси»нинг қиймати 1,3 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, фарзандларимизнинг физиологик ривожланишида пойабзални тўғри танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, табиий ҳаммаёқлардан тайёрланган, бежирим ва қулай пойабзал танлаш айна мудоаодир.

Дилноза НОМЗОВА,  
журналист.

## «Эъзоз» нони

Гулистон шаҳрининг 4-мавзесида турли хилдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ишга тушди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани самараси ўлароқ бугунги кунда Сирдарё вилоятида ҳам муқдорлар сафи тобора кенгайиб бораётди.

Хусусан, «Қишлоққурилишбанк» вилоят филиалининг 135 миллион сўмлик кредити ҳисобига «Эъзоз» хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган цехда бир кунда 5500 дона 5 турдаги қолинли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Цех ёнида алоҳида дўкон очилган бўлса-да, келгусида яна 2 та савдо шохобчаси фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган.

«Ховосдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти томонидан етказиб берилган ундан тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати билан истеъмолчлар эътиборини тортмоқда.

**«БИЗ ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ БЎЛМИШ БОЛАЛАРИМИЗГА, ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ИШОНЧ БИЛАН, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАШНИ КЕЛАЖАГИМИЗГА БЎЛГАН ИШОНЧ, МИЛЛАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА БЎЛГАН ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ ДЕБ БИЛАМИЗ».**

Ислом КАРИМОВ

## Янги ўқув йили бошланди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Таълим-тарбия сифатини оширишдаги устувор вазифалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди

Унда таъкидланишича, жорий йилда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёнида республика бўйича 381 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ушбу мақсадларга жами 282 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Биринчи синфга қабул қилинган 587 минг ўқувчига 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совгалари «Билимлар куни» тадбирларида тантанали равишда топширилди.

Анжуман давомида ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим-тарбия сифатини ошириш мақсадида бир қатор янгиликлар жорий этилгани маълум қилинди. Жумладан, мамлакатимиз раҳбарининг «Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ўрганиш юзасидан тегишли ўқув дастури ва методик тавсия ишлаб чиқилган. Мазкур маъруза умумтаълим мактабларининг 9-синфларида олти соатлик факультатив машғулотлар сифатида ўқитилмоқда.

Чет тилларни ўргатиш 2-синфда эшитиш, гапириш, ёзиш ва ўқиш орқали давом эттирилиши режалаштирилган. Бунинг учун 18 минг нафар чет тили ўқитувчиси махсус 36 соатлик курсларда малака оширди.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг касбий даражасини оширишга қаратилган 2015-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган.

Жорий ўқув йилидаги янгиликлардан яна бири бошланғич синф ўқувчилари учун илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида 7 номдаги методик қўлланма ҳамда уларнинг мультимедиа иловалари тайёрланди.

— Бу йил илк марта «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари учун «Болажон» таянч дастури асосида 5 номдаги қўлланмалар яратилиб, жами 2,5 млн. нусхада дарслик чиқарилди, — деди халқ таълими вазири Улугбек Иноятов. — Мазкур адабиётлар мактаб кутубхоналари орқали ота-оналарга тарқатилади.

Матбуот анжуманида вазирлик томонидан синфдан ташқари кутубхона фондини умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун лотин графикаси асосидаги 53 номдаги асарлар билан тўлдириш ва янгилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилиши кўзда тутилаётгани айтиб ўтилди.

## Одам савдосидан сақланинг!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Маълумки, одам савдоси инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари, қадр-қиммати, осонлига ҳаёти ва келажагига жиддий путур етказувчи, на сарҳад, на миллат танламайдиган иллат бўлиб, ўз домига кўпроқ аёллар ҳамда болаларни тортиши билан жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш, трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам беришга доир норматив-ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та шартнома иштирокчилар. Шунингдек, хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, жумладан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган 30 дан зиёд шартнома ва келишув имзоланган.

Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самаралорининг ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Республика қурашлари комиссияси ташкил этилиши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг юқори натижаларини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ҳозирги кунда комиссия томонидан бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий-профилактик тадбирлар ўтказилаётгани ҳақида журналистларга маълумот берилди. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат ногирлар ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани айтиб ўтилди.

— Бу иллатга қарши курашиш, унинг сабабларини ўрганиш, оқибатларини камайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, — деди Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари Гулноза Раҳимова. — Режага мувофиқ, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорлигида уярулаётган ўтказилмоқда. Бундай тадбирлардан қўзланган асосий мақсад аҳолини одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг хавфидан огоҳ этиш, оқибатларини жонли аҳолини асосида кўрсатиш ва ҳушёрликка чақиртириш. — Журналистлар ушбу мавзунинг долзарблигини доим эсла тутиши, тахлиллий материалларни изчил эълон қилиб бориши, жамоатчиликни одам савдосининг оқибатларидан хабардор қилиши шарт, — деди «Хуқуқ ва бурч» журнали бош муҳаррири Жаҳонгир Наҳонов. — Қолаверса, инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонуни олдига жавобгарлик муқаррар эканини ватандошларимиз онгига синдириб боришимиз лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Рисолат МАДИЕВА.

## Яқин қариндошга қуда бўлманг

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари қатори «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондига ҳам катта масъулият юклаган, десак муболага бўлмайди

Ахроржон МУСУРМОНОВ,  
«XXI asr»

Мазкур фонднинг Наманган вилоят филиали директори Хайрулла Ортиқовнинг таъкидлашича, жойларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалардан ногиронликнинг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш каби долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилоятида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хотин-

қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда аниқ режа ишлаб чиқилди, — дейди у. — Масалан, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Она ва бола скрининги» дастури асосида 296 нафар ҳомиладор, 45 нафар тулғач туғиш ёшдаги аёл ва 4 нафар бола «TORCH-инфекция» текширувидан, шунингдек, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида 9 минг нафарга яқин киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида Германиянинг «Friedensdorf International» ташкилоти билан ҳамкорликда 610 нафар жағ-юз ва орто-

педик нуқсонлари бўлган болалар республика шифохоналарида соғломлаштирилди. 25 нафар бола эса Германияда даволанишга юборилди.

Шу ўринда филиал ходимлари байрам кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногирон болалар ҳолидан хабар олаётгани, 2014 йилнинг биринчи ярмида имконияти чекланган аёллар ва болаларга ўттиз донда ногиронлик аравачаси тарқатилганини таъкидлаш жоиз.

Давлат дастури доирасида, шунингдек, мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юрталарида «Соғлом турмуш тарзи нима?», «Репродуктив саломатлик», «ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш»,

«Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Қариндошга қуда бўлманг», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда 300 дан ортиқ давра суҳбати ташкил этилиб, уларга қарийб 32 минг нафар иштирокчи жалб этилди.

— «Соғлом бола йили»нинг иккинчи яримида ҳам хайрия ишларимизни мунтазам давом эттираяпмиз, — дейди Х.Ортиқов. — Йил охиригача 31 дан ортиқ маданий-маърифий, 34 та хайрия, 38 та спорт тадбири, шунингдек, 170 дан ортиқ ўқув-семинар ўтказишни режалаштирганмиз. Эҳтиёжмандларга 250 млн. сўмдан зиёд миқдордаги моддий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.



# БУНЁДКОРЛИК

## Истиқлол туфайли яралган мўъжиза

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Шўртангазкимё» мажмуаси мустақиллигимизнинг 23 йиллик тарихи давомида Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган энг истиқболи порлоқ лойиҳалардан бири сифатида тилга олинаётгани бежиз эмас

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr»

Зеро, Ғузор туманидаги Кенгсой чўли бағрида қад ростлаган мажмуа Марказий Осиёда бу турдаги ягона йирик саноат корхонаси ҳисобланади. Ҳозирда нефтьга газ саноатининг замонавий технологиялари билан жиҳозланган мазкур корхона 2004 йил Женевада ўтказилган IV Халқаро форум якунига қўра «Ишлаб чиқаришда эришилган юқори сифат» номинацияси бўйича «Олтин медаль» билан тақдирланганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Қолаверса, ўтган йилларда корхонада сифат менежменти тизими самарадорлигини ошириш юзасидан ISO 9001:2008 талаблари асосида чора-тадбирлар ташкил этилган бўлиб, Германиянинг «TUV International Certification» сертифицирлаш органи (Ўзбекистондаги расмий вакили «Sert Management» компанияси) томонидан ўтказилган текширувлар давомида цех ва хизматларда яратилган тизим ISO 9001:2008, ISO 14001:2004 ва OHSAS 18001:2007 стандартлари асосида интеграциялашган бошқарув тизимини қайта сертифицирлаш учун халқаро стандартага мувофиқ деб топилди. Эслатиб ўтиш лозим: айни пайтда корхонада таркибда этан, пропан ва бутан бўлган табиий газ хом ашёси қайта ишланиб, ўндан ортик марка ва турда полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти.

Истиқлол мўъжизаси, деб аталаётган мажмуамиз бугун дунё халқларини ўзига мафтун этмоқда, — дейди мажмуа бош муҳандиси Баҳром Мансуров. — Эришилган барча ютуқлар ишловчиларнинг билим ва малакаси ҳамда сиёсий фаолиги оширилганлиги боис қўлга киритилди. Дастлабки йилларда олдимизда мажмуа қурилмаларини асраб-авайлаб, мукамал ўзлаштиришга ёш маҳаллий мутахассисларни қайта тайёрлашдек долзарб вазифа турган эди. Шу мақсадда республикамизда мавжуд нефть ва газ саноати мутахассисларини тайёрлайдиган олийгоҳлар, турдош корхоналар билан малака ошириш ва тажриба алмашиш учун кенг қамровли ўзаро ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилиб, назарий билимлар билан амалиёт узвий-



лигини таъминлаш баробарида ишлаб чиқариш суръатини муттасил ошириш режалаштирилди. Натижада жаҳон андозаларига мос, хорижий технологиялар билан жиҳозланган мажмуа қурилмаларини бошқарадиган малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга ихтисослашган «Ўқув маркази» ташкил этилди. Бу ерда маҳаллий ёшларни 57 та мутахассислик бўйича мустақил ўқитиш ҳамда қайта касбга йўналтириш йўлга қўйилган.

Республикамиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, сифатини жаҳон андозалари даражасида сақлаш, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликни янада яхшилаш мақсадида қатор янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётди. Хусусан, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Малайзиянинг «Petronas», Жанубий Африка Республикасининг «Sasol» компаниялари иштирокида «Шўртангазкимё» мажмуасида метан газини асосида синтетик суюлтирилган ёқилги (GTL) ишлаб чиқариш (GTL) ишлаб чиқариш» лойиҳаси бўйича ишлаб бошлаб юборилган. Бу лойиҳа асосида йилга 3,4 млн. тоннадан ортик микдорда синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, мажмуа билан «Ўзгирнефтегазкимё» лойиҳа» институти ўртасидаги шартнома асосида сув ва газ қувурлари, автомобиль йўллари, электр тармоқлари

ва шаҳарча қурилишини лойиҳалаштириш ишлари давом эттириляпти.

Навоий эркин иқтисодий-индустриал зонасида жойлашган «Полиэтилен қувурлар» ва «Полипропилен қувурлар» шўъба корхоналарида бугунги кунда диаметри 20 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар, уларни бириктирувчи фитинглар, 20 мм.дан 110 мм.гача бўлган полипропилен қувурлар ва уларни бириктирувчи фитинглар, беркитувчи-ростловчи арматуралар, ҳар хил турдаги маҳсулотларни ўрвачи ва маҳкамловчи полипропилен ленталар ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш мақсадида замонавий дастгоҳлар сотиб олиш бўйича турли компаниялардан техник иқтисодий тақлифлар олинаяпти. «Полипропилен» ишлаб чиқариш линияси, «Диаметри 315 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар», «Ёғоч-полимер асосидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси», шунингдек, «Болаяр ўйинчоги ишлаб чиқариш», «Сут ва гўштни қайта ишлаш», «Ип-калага ишлаб чиқариш», «Совуғувчи газ сифатида фойдаланиладиган ортиқча метан водород аралашмалари газни адсорбентларни регенерация қилиш жараёнида

қўллаш» каби янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Цехлар фаолияти мутахассислар томонидан алмашлаб ишлаш орқали ўрганилаётган бўлса, «Мажмуа таракқиёт хизмати» жамоаси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, техник ва технологик янгилаш, ходимлар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган илмий изланишларни муваммаллаштириш орқали амалий тақлифларни беради.

Бугунги кунда корхона учун янги, фойдали бўлган буюм, ишлаб чиқариш технологияси, материал таркибини яратиш ёки тузилмасини ўзгартиришни кўзда тулгуви, шунингдек, хом ашё, ёқилги энергетика ва бошқа моддий-материал ресурсларни иқтисод қилиш имконини берувчи 140 дан ортик рационализаторлик тақлифи рўйхатга олиниб, амалиётга татбиқ этиш борасида чоралар кўриляпти.

Мажмуада хавфсиз меҳнатни ташкил этиш орқали юқори меҳнат унумдорлигига эришилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ходимлар малакасини муттасил ошириш, иш жойларида санитария-гигиена меъёр ва қридалари талабларини бажариш, ходимлар соғлиги, меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратиляпти.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг 6 ойи мобайнида

мажмуада хом ашё сифатидаги 2,2 млрд. метр куб микдоридagi газдан 1,9 млрд. метр куб табиий газ, 57 минг тонна суюлтирилган газ, 51 минг тонна газ конденсати, 69 минг тонна полиэтилен ва 7 минг тонна олтингурут ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги 406-сон қарорига асосан мажмуа ижтисодиётга ўтказилган «Термопласт» заводи «Қаршитермопласт» цехи сифатида фаолиятини бошлаб, иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланган, ишлаб чиқариш ва реализация суратлари сезиларли даражада ўсди. Қилинган техник ва технологик янгилаш ва модернизация ишлари катта самара берди. Қисқа фурсат ичида мазкур корхонанинг мавжуд технологик қурилмалари тубдан янгилашган, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури кўпайтирилди. Мажмуада тайёр полиэтилен маҳсулотлари, катта ва ўрта диаметри қувурлар, алюмин-композитли панеллар ишлаб чиқариш линияларини ўрнатилиш, томчилаб сугориш тизимини жорий этиш юзасидан ҳам бир неча лойиҳалар устида иш олиб борилди. Ушбу лойиҳалар асосида янги линиялар фойдаланишга топширилиб, диаметри 250 ва 630 миллиметрга гача бўлган полиэтилен қувурлари тайёрлаш имкони туғилди.

Шунингдек, алюмин-композитли панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича бир йилда 800 минг кв. метр маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган юқори технологик асбоб-ускуналар келтирилди. Бугунги кунда бу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилди. Маҳаллийлаштириш дастури талаблари асосида мазкур цехда жорий йилнинг 6 ойида 2,1 минг тонна полиэтилен гранулалари қайта ишланиб, турли диаметрли полиэтилен қувурлар ва фитинглар, томчилаб сугориш тизими шланглари ва уларни бутловчи деталлар ишлаб чиқарилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Дехқонбод туманида ун ва қандолат маҳсулотлари, электр энергиясини тежовчи люминисцент лампалар ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишга топширилган, 180 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг аксарияти тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Қишлоқ хўжалик цехида ташкил этилган паррандачилик мажмуасига Украинанинг «Техно» бирлашмасидан келтирилган технология асосида 52 минг бош жўжа ва 45 донна туҳум берадиган линиялар ўрнатилди. Бундан та-

шқари, тармоқ таркибида 400 бош қорамолга мўлжалланган гўшт-сут мажмуасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Жорий йилда тармоқда бугдой, арпа, сомон, беда пичани, кўй жуни ва эчки қили ишлаб чиқарилди. Мева-сабзавот ва поллиз маҳсулотлари арзон нархларда ишчи-хизматчилар дастурхонига тортиқ этилмоқда. 8 гектар майдонга манзарали дарахтлар экилган. Тармоқда чорва молларини парвартириш ва ишчи-хизматчиларни гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида хисори қўйлар ва ангор эчкилари парвариш қилинаётди.

Корхонада маъмурият ва касаб ва уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига қатъий амал қилинган ҳолда ишчи ва хизматчилар шароитини яхшилаш, маданий ҳордиқ чиқариш учун қулайликлар яратишга меҳнат унумини белгилайдиган бош омил сифатида қаралмоқда. Улар мунтазам меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрлари бўйича ўрнатилган қийин-кечак, шахсий ҳимоя воситалари, сут маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаб борилади. 5 та замонавий ошхона, нон пишириш цехи, ишчилар шаҳарчасида озик-овқат, нон дўконлари узлуксиз ишлайди. Ишловчиларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида 346 та барча қулайликларга эга замонавий кotteж ва ҳар бири 40 хонадонли 10 та кўп қаватли уй қурилди. Аҳолини қишлоқ жойларида намунали уй-жойлар билан таъминлаш дастури асосида Ғузор, Қарши, Қамачи, Шаҳрисабз, Нишон, Яқкабоғ, Дехқонбод туманларида 500 нафардан ортик ишчи-хизматчи уй-жой билан таъминланди. Аксарият иш-

чилар истиқомат қилаётган Нуристон шаҳарчасида иккита мактаб фойдаланишга топширилди. Замонавий тарзда қурилган, урта кичик мажмуадан иборат «Эркатой» мактабгача тарбия муассасасининг биттаси Қарши шаҳрида, қолганлари шу шаҳарчанинг ўзида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Шаҳрисабз туманининг тоғолди ҳудудида жойлашган «Лочин» оромгоҳида ишчи-хизматчилар мириқиб ҳордиқ чиқаришлари ва соғломлаштирилиши учун барча қулайликлар яратилган.

Ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам турли маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари, хусусан, «Мажмуа сардорлари», «Мажмуа малакалари», «Кўвноқ билимдон» мавзулардаги кўрик-танловлар шулар жумласидан. Фаоллар учун эса юртимиз шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар уюштирилиб, тарихий обидалар, диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишиш имкониятлари яратилган. Меҳнат таътили давомида сиаҳатлошари даволаниб, соғлиқларини тиклаб келишлари учун ходимларга жамоа шартномаси асосида маъмурият ва касаб ва уюшмаси томонидан имтиёзли йўланмалар ажратилмоқда. Хар йили мажмуа ишчи ва хизматчилари Бепул тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади.

Бундан ташқари, футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида тўп сураётган «Насаф» ҳамда «Севинч» аёллар футбол жамоасига ҳомийлик қилинмоқда. Хар йили мажмуа ишчи ва хизматчилари Бепул тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади.

Бундан ташқари, футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасида тўп сураётган «Насаф» ҳамда «Севинч» аёллар футбол жамоасига ҳомийлик қилинмоқда.

Мажмуадаги 25 та цехда О'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилаётган ободлаштириш, кўкаламзор-

лаштириш, маънавий-маърифий ишларда ҳам улар бошқош. Жойларда тез-тез ташкил этилаётган давра сўхбатларида партиянинг дастурий ғояларини рўйбга чиқариш мақсадида тарбиёт ишларини кучайтириш, ёшларга кўмаклашиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш каби ўнлаб мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар юритилади. Мажмуага қарашли шаҳарчада асосан ёшлар истиқомат қилинади. О'zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан цехлар ўртасида футбол, волейбол, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ташкил этилиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишяпти. Улар партия ишига сиқидилдан ёндашди, тадбирларда мунтазам қатнашди, ғоявий-сиёсий ҳамда ташкилоти-партиявий ишларни жонлантириш юзасидан доимо янги тақлифлар билан чиқашди.

Мажмуанинг экспорт салоҳияти ҳам йил сайин юксалиб, харидорлар сони ортаётди. Натижада тайёрланган маҳсулотнинг 20 фоиздан ортиги жаҳоннинг турли мамлакатларига сотилмоқда. Ўтган йили 18 минг тонна, жорий йилнинг ўтган даврида 12 минг тонна маҳсулот Россия, Қозғоғистон, Афғонистон, Туркия каби давлатларга экспорт қилинди. Корхона цехларини айланган эканмиз, О'zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси Шўхрат Уватов тайёр маҳсулот цехида бир ҳовуч гранулани қўлига олиб, хурсандчилик билан: «Худди маржонга ўхшайди, жимирлашини қаранг! Булар хурлик туҳфаси, мустақиллик маржонларидир», деганида шу юрт фарзанди эканлигимиздан кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлди.



О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг парламент кўни палатасидagi фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Шароф Амоновга акаси **Мадийр АМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

**3AZ FORZA**  
Автомобили для жизни!

**Автосалон в Ташкенте**  
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99  
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

**3AZ**  
www.sardor-avto.uz  
Товар сертифицирован.